ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

19 июль, шанба 1997 йил №84 (435)

Сешанба , пайшанба ва шанба кунлари чиқади

Бугун — «ЎзДЭУавто» Ўзбекистон—Жанубий Корея қўшма корхонаси ишга туширилганига бир йил тўлди. У Ўзбекистонни жаҳондаги автомобиль ишлаб чиқарадиган 28 ривожланган мамлакат сафига киритиш билан бирга, бутун иқтисодиётимизни юксак поғонага кўтарди. Ана шу қутлуғ кун барча ўзбекистонликларга муборак бўлсин!

ЖЎҚОРҒИ КЕНГЕС СЕССИЯСИ



17 июль куни Нукусда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг навбатдан ташқари сессияси бўлди. Унда Жўқорғи Кенгес депутатлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вазирликлари раҳбарлари, Қорақалпоғистондан сайланган Узбекистон Олий Мажлиси депутатлари, Узбекистон Республикаси вазирликлари, қўмиталари, уюшмалари, идора ва ташкилотлари раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Сессияни Жўқорғи Кенгес Раисининг ўринбосари Р. Йўлдошев очди. Сессияда Узбекистон Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. У.Аширбеков бошқа ишга ўтиши муносабати билан ўз аризасига кўра Жўқорғи Кенгес Раиси вазифасидан озод этилди. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Узбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари лавозимида ишлаб келаётган Темур Камоловни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раислигига тавсия этди. Депутатлар Т. Камолов номзодини атрофлича муҳокама қилгандан сўнг, уни Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясига биноан ёпиқ овоз бериш йўли билан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси этиб сайладилар.

Сессия Т. Камоловни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси этиб тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сессия қатнашчилари давлатимиз раҳбари Ислом Каримов нутқида баён этилган тавсиялар, ислоҳотларни чуқурлаштириш борасидаги вазифаларни бажариш юзасидан махсус қарор қабул қилдилар.

Сессия ишида Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Б. Ғуломов қатнашди.

(ЎзА).

СУРАТДА: сессия пайти.

С. ЗУФАРОВ олган сурат.

МУСТАҚИЛЛИК ХИРМОНИ

Қашқадарё: МАРРА ЗАБТ ЭТИЛДИ

Ушбу йил, яъни инсон манфаатлари йили деб эълон қилинган экан, бу шиор бевосита тўқ, фаровон ҳаётнинг манбаи саналган деҳқончиликка, хусусан, ғалла етиштиришга ҳам тааллуқлидир. Қашқадарёлик ғаллакорлар бу борадаги ўз масъулиятларини дилдан ҳис этиб, ушбу йилда бу соҳага катта эътибор қаратдилар. Шу мақсад йўлида баҳорнинг ўзгарувчан табиатига, инжиқликларига, ҳатто экин-текинни ер билан яксон қилувчи дўлу жалаларига қарши тура олдилар. Табиий офатга қарши курашиш билан бир қаторда экини барбод бўлган жойлар ҳосили ўрнини тўлдириш учун табиий офатдан омон қолган экинзорлар парваришига алоҳида эътибор қаратилди ва бу жойлардан мўлжалдагидан анча кўп ҳосил олинди.

Шундай қилиб, ҳозиргача давлатга 317 минг тоннага яқин дон етказиб берилди ва давлат буюртмаси ошириб бажарилди. Ҳосилдорлик гектар бошига илғор хўжаликларда 45 центнерданга етказилди. Муборак, Қарши, Баҳористон, Косон, Китоб, Шаҳрисабз, Усмон Юсупов, Яккабоғ туманлари ғаллакорлари вилоятда биринчилардан булиб бу борадаги давлат буюртмаларини барвақт уддаладилар, вилоят муваффақиятига замин ҳозирладилар. Ҳозир вилоятнинг кўплаб жойларида ғалла ўрим-йиғими давом этмоқда.

ҲОСИЛ МЎЛ БЎЛДИ

Айтиш жоизки, мамлакатда ғалла мустақиллигига эришиш заруриятини давр тақозо этди. Республика Президенти ва ҳукумати халқ фаровонлигини оширишда ўта муҳим вазифа — мана шу мустақилликни таъминлаш учун зарур бўлган барча чора-тадбирларни белгилаб, уни ўз вақтида амалга оширмоқда. Вобкент туманига қарашли Қоровулбозор қўрғонидаги «Янги ҳаёт» жамоа хўжалиги деҳқонлари ҳам бу хайрли ишга ўзларининг муносиб улушларини қўшиб келмоқдалар. Улар жорий йилда яйдоқ-чўлда, ери шўр, сув камчил бир шароитда ғалладан мўл ҳосил етиштиришга эришдилар. Бунга тинимсиз меҳнат, ўсимликни кўп йиллик тажриба асосида парваришлаш, молга пайҳон қилдирмаслик билан бир пайтда баҳорнинг серёғин келиши ҳам муҳим омил бўлди.

Хўжалик деҳқонлари «Интенсив», «Санзор-8» ҳамда «Луна» сингари серҳосил ғалла навларини экиб панд емадилар. Қилинган меҳнат ўз самарасини берди. Жумладан, пудратчи Неъмат Қўлдошев 30 гектар, Олим Жумаев 27 гектар майдонда «Интенсив» ва «Санзор» навларини экиб, гектаридан 35-38 центнердан қирмизи дон етиштиришга муваффақ бўлдилар. Дончилик бригадири — пудратчи Матёқуб Раҳимов эса 40 гектар майдондан режадагидан 10 тоннадан ошиқ сара дон топширди. Қисқаси, булар ҳосилдорликни гектар ҳисобига 10-13 центнерга оширдилар. 30 гектар майдонда «Луна» навли уруғ сепган пудратчи Ихтиёр Тўхтаев ҳар гектар майдондан 40 центнердан ортиқ дон етиштириб, ҳосилдорликни 15 центнерга кўпайтирди. Муҳими шундаки, «Луна» навли ғалладан олинган барча ҳосил келгуси йил учун уруғликка олиб қолинди. Қисқаси, хўжаликда давлатга мўлжалдагидан анча мўл, яъни 470 тонна дон топширилди.

Шу ўринда бир нарсага тўхталмоқчимиз. Хўжалик раҳбарлари ғалла ўрим-йиғимига етарли тайёргарлик кўрмаганликлари ўз ўрнида сезилиб ҳам қолди. Комбайнларни таъмирлаш, дон омборларини қабулга ҳозирлаш, ўрим иштирокчиларини рағбатлантириш талаб даражасида бўлмади. Натижада ўримга олиб чиқилган 5 та «Нива» комбайни тез-тез бузилиб, кўзланган самарани бермади. Ҳосил нобудгарчилигига йўл қўйилди. Қачонки, Америкадан келтирилган «Кейс» комбайни ғаллазорларга киргач, иш юришиб кетди. У билан икки сменада 16-20 гектаргача майдондаги ҳосил нобудгарчиликсиз йиғиштирилиб, ҳосилдорлик юқори бўлишига эришилди ва ўрим-йиғим 10 иш кунида тугатилди. Хўжаликдаги шу куннинг долзарб муаммоси — даладаги донни омборларга киритиш, чўл шароити бўлса-да, такрорий экин экишни таъминлашдан иборат. Ўйлаймизки, хўжалик раҳбарлари ҳамда омилкор деҳқонлари кечиктириб бўлмайдиган бу ишни тезда амалга ошириш чораларини кўрадилар.

Гафур ШУКУРОВ, «Ишонч» мухбири.

Ўзбекистон мустақиллигининг олти йиллигига

ДАВР СУРЪАТИГА ҲАМНАФАС

Аҳолига «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасининг автомобилларини сотиш, уларга сервис хизматини кўрсатиш, таъмирлаш ишларини ташкил этиш ва ниҳоят, бу соҳада замонавий кадрлар тайёрлашда «Узавтотеххизмат» ҳиссадорлар бирлашмасининг ўзига хос ўрни бор. Автомобилларни таъмирлаш билан шуғулланган жамоа бугунги кунда маҳаллий автомобилларимизга техник хизмат кўрсатиш мақсадида ўз фаолият турларини замонавий талабларга мослаштириб олди. Маълумки, Узбекистоннинг автомобил саноатини яратиш йўлидаги давлат дастурида ушбу маҳсулотларга техник хизмат кўрсатиш, уларни қўшимча эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш ишлари ҳам эътиборга олинган эди. Шу туфайли айни вақтда «Узавтотеххизмат» тизимида замонавий диагностик ускуналар билан жиҳозланган 46 та техник хизмат кўрсатиш станциялари ишлаб турганини айтиш лозим. Республикамизнинг барча вилоятларида фаолият юритаётган бундай станцияларнинг аҳолига хизмат кўрсатиш даражаси юқори савияда, қулай шароитлар асосида ташкил этилаётгани туфайли булса керак, бугунга келиб «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси маҳсулотлари ички бозорда харидоргирлиги билан ажралиб турибди. «Узавтотеххизмат» тизимида бу автомобилларга жаҳон стандартлари даражасида сервис хизматлари кўрсатилмоқда.

Тан олиш керак, бугунги кунда бирорта автомобилга эга бўлмоқчи бўлган кишилар энг қулай шарт-шароитлар «ЎзДЭУавто» тизимида яратилганлигига ишонч ҳосил қилади.. Зеро, бу тамойил Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг сервис хизмат кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида эълон қилинган 1996йилдаги 118 ҳамда 304 қарорларида аниқ ўз аксини топган. Айнан шу тарихий ҳужжатларга асосан ҳам «Асака маҳсулотлари»нинг мижозлари техник хизмат кўрсатиш станцияларининг ўзидаёқ ташкил этилган автодукон ҳамда «Асакабанк» филиаллари хизматидан бемалол фойдаланиш имконига эга бўлдилар.

— «ЎзДЭУавто» автомобилларига техник хизмат кўрсатишда бизни монопол ташкилот деб бўлмайди, — дейди «Узавтотеххизмат» ҳиссадорлар бирлашмаси бошқарувининг раиси Юсуфжон Асилов. — Мазкур автомобилларни сотиш, уларга техник ва таъмирлаш хизматларини кўрсатишда АвтоВАЗ корхонаси ҳам майдонга чиқди. Бу нарса эса бизнинг тизим зиммасига қўшимча масъулият билан ишлаш, ҳамкоримиз билан соғлом рақобатга киришиш вазифасини юклайди.

Албатта, бозор иқтисодиёти шароитида рақобатсиз ишлаш мумкин эмас. Бозордаги талаб ва таклифни ўрганиш, аҳоли учун энг қулай, сифатли ва тезкор хизматни ташкил этиш, уни замонамиз суръати билан бирга олиб бориш рақобатбардошликни таъминлайди. Шу мақсадда «Узавтотеххизмат» тизими хизмат кўрсатишнинг бу тамойилларига алоҳида эътибор бериб келяпти. Техник хизмат кўрсатиш станцияларида автомобил эгалари учун 3 соатлик текин ўқувлар, текин хизмат кўрсатиш ҳамда таъмирлаш кафолатлари ташкил этилган. Баъзи автодуконларда бўлажак мижозлар учун махсус совғалар бериб борилмоқда.

«Узавтотеххизмат» ҳиссадорлик бирлашмаси тизимининг замон талабларига жавоб бераётган кадрлар билан тўлдириб бориш ниятида ўз йўналиши бўйича ёпларни Жанубий Кореяга ўқишга юбориб турибди. Хорижда малака ошириб қайтган мутахассислар автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, таъмирлашнинг жаҳон талаблари даражасида ўрганиб қайтмоқдалар.

Маҳсулот чиқара бошлаганига эндигина бир йил тўлган Асака заводи бозордаги талаб ва таклиф, мижозлар дидини ўрганиш соҳасида тинмай изланаётир. Август ойидан бошлаб «Асака маҳсулотлари»нинг янада бой рангларда, рангли вамперларда, марказий қулфлагичлар билан чиқарилганини кўрсангиз, «Нексия» автомобилининг борт-компьютери янада мукаммаллашганини учратсангиз сира ҳайрон бўлманг, бу корхонанинг давр суръати билан ҳамнафас одимлаётганидан далолатдир.

Нодир АЛИМОВ, «Ишонч» мухбири.

ЕТТИ ИҚЛИМ НАФАСИ

Словакияда НАТО ва «Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик» дастури қатнашчиси бўлмиш қатор мамлакатларнинг Қуролли кучлари ҳарбий ҳаво машқларини ўтказишди. Бу машқлар беш кун давом этди. АҚШ, Италия, Туркия, Франция, Австрия, Чехия, Македония, Венгрия, Молдавия, Руминия ва Словакия авиабўлинмалари тинчлик ўрнатиш жараёнларини, жумладан, келишмовчиликлар юз берган жойларда фуқароларни олиб чиқишни машқ қилишди.

* * *

Албаниядан халқаро полиция кучларини олиб чиқиб кетиш ишлари бошланди. Улар шу йилнинг февраль ойида республика жанубида юз берган тартибсизликларни бартараф этиш учун боришган эди. Влера ва Дурреш шаҳарларидаги италиялик ва руминиялик ҳарбий хизматчилардан дастлабки юз киши кеча ватанига жўнаб кетди. Полициячиларни олиб чиқиб кетиш 12 августгача давом эттирилади.

* * *

Расмий ташриф билан АҚШда меҳмон бўлиб турган Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе АҚШ Президенти Билл Клинтон билан учрашди. Учрашув даврида икки томонлама муносабатлар, қатор халқаро ва ҳудудий муаммолар муҳокама қилинди. Шеварднадзе ундан олдин АҚШ ишбилармон доиралари вакиллари билан ҳам учрашди. Грузия раҳбарининг айтишига кўра, 1996 йили мамлакатга хорижий давлатлардан сармоя келтирди.

* * *

Иссиққўлда «XXI аср маданиятининг улкан ва миллий йўналишлари» мавзуидаги анжуман давом этмоқда. Унда давлат, жамоат, диний арбоблар, турли мамлакатларнинг фан ва маданият вакиллари иштирок этишмоқда. Анжуман ишида Қирғизистон ва Туркия Президентлари Аскар Акаев ва Сулаймон Дэмирел ҳам иштирок этишлари кутилмоқда.

* * *

Атом энергетикаси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ) бош директори Ханс Бликс Арманистонга ташриф билан келди. У Арманистондаги атом электр станцияси фаолияти билан танишмоқчи.

САЙҚАЛ ОЛАЁТГАН ЗАМИН

Республикамиз Президенти Ислом Каримов томонидан 1997 йилни «Инсон манфаатлари йили» деб эълон қилинган Сирдарё вилоятида ҳам катта ҳажмдаги хайрли ишларнинг бошланишига туртки бўлди. Вилоятнинг шаҳар ва туманлари, қишлоқ овулларида инсон манфаатларига хизмат қилувчи маданий-маиший бинолар барпо этилаётганлиги фикримизнинг яққол далилидир. Қурилаётган ҳар бир бино шарқона жилоси билан манзилгоҳлар ҳуснига-ҳуси қўшмоқда. Таъбир жоиз бўлса истиқлол туфайли юртимиз жамоли очилиб, кўз ўнгимизда сайқал топмоқда.

Юртбошимиз Сирдарёда бўлганларида қўриқ воҳадаги бунёдкорлик ишларидан кўнгли тўлмагани ҳеч кимга сир эмас. Бугун эса аҳвол тамомила бошқача. Ҳар гўшада иш қайнаган. Уста меъмору бинокорларнинг қўли-қўлига тегмайди. Улар ҳар бир иморатга бугун санъату маҳоратини, қалб қўрини бахшида этмоқда. Ҳайқириб, тўлқинланиб оқаётган Сирдарё куприги рамзий маънода вилоят дарвозаси ҳисобланади. Бир пайтлари қамишу қора шўрага макон бўлган бу масканни бугун бир тўхтаб томоша қилмасдан ўтиб бўлмайди. Ана шу ердан вилоятнинг тўнғич тумани Сирдарё бошланади. Туманда катта ҳажмда ободончилик-бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Катта йўл ёқасида ҳашаматли бозор қад ростлади. Йўловчилар ошени «Чеҳра» комплекси барпо этилди. Унда «ДЭУ» автомобилларга техника хизмати кўрсатиш устахонаси, меҳмонхона, ресторан ва бошқа хизмат турлари мужассамлашган.

Туманда республика мустақиллиги байрамига катта туёна ҳозирланди. «Синдоробод» жамоа хўжалигида ғизар барпо этилди. Ғизар тарқибида маиший хизмат шаҳобчалари, гўшт дуконлари, чойхона, турли дуконлар бўлиб уларда қишлоқ аҳли эҳтиёжи учун зарур бўлган барча ашёлар бор. «Сирдарё» хўжалигида 7,5 миллион сумлик қийматга эга «Саломатлик таянчи» қурилиб фойдаланишга топширилди. «Малик» бозорида 2 миллион сумлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Бахт шаҳри ўз муъжизавий тароватн билан ажралиб туради. Шаҳарда катта йўл бўйларини тартибга келтиришга жиддий киришилди. Ободонлаштириш ва қўкаламзорлаштириш ишларига шаҳар ташкилотлари ҳам катта ҳисса қўшиб келмоқда. Чунончи, бу хайрли юмушга пахтани қайта ишлаш корхонаси 23 миллион 300 минг сум, машинасозлик механика бошқармаси 7 миллион сум, «Мирзачўлқурилиш» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли 16-автотранспорт корхонаси 2 миллион 200 минг сум, пиллачилик корхонаси 920 минг сум, 52-автотранспорт корхонаси 870 минг сум маблағ ажратганлар. Бахт шаҳри бозори вилоятга машҳур. Аммо шаҳарликлар бу билан қаноатланаётгани йўқ. Янги бозор қурилишига ҳам қўл урилди. «Марказий осиё» корпорацияси бозор қуриш учун 80 миллион сум маблағ ажратди.

Янги қурилаётган «Катта ўзбек тракти» бўйлаб кезар эканмиз, Мирзаобод туман «Оқ олтин» жамоа хўжалиги марказ чиройига лол бўлдик.

«Катта ўзбек тракти» бўйларидан тортиб энг чеккадаги қишлоқларгача ободонлаштириш режали равишда амалга оширилмоқда. Шу йилнинг ўзида битта қишлоқ врачлик амбулаторияси, битта мактабни қуриб ишга туширилди. Янги бозор ишга тушди. «Дўстлик» ёрдамчи хўжалигида яна битта бозор қурилиши давом эттирилмоқда.

Вилоят маркази Гулистон кечагидан тамомила бошқача шукуҳ-файз касб этган. Ораста, кенг ва равон кўчалар, ҳашаматли иморатлар...

Боёвут, Сайхунобод, Гулистон, Оқ олтин туманларидаги бунёдкорлик ишлари ҳам таҳсинга лойиқ. Бугун ҳар бир гўшада иш қайнайди. Ҳар бир сирдарёлик мамлакатимиз мустақиллигини ўзининг муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишга бел боғлаган. Зеро , «обод бўлса қишлоғинг, очилар баҳри дилинг» деганларидек, шаҳар-қишлоқларни гулга бурқаш, чаманзор масканга айлантириш вилоятнинг ешу-қарисининг орзу-ўйига айланмоқда. Гулистон шаҳридаги «Нуроний» чойхонасида нуронийлар гурунгида ҳам ана шу эзгулик уфура бошлаганини, отахонлар дуога қўл очиб бунёдкорларни алқаётганлигига гувоҳ бўлдик.

— Шаҳримизнинг чирой очганлиги, қут-барака кириб келганлигидан нишонадир, — дейди меҳнат фахрийси Шерқул Ҳожи Олтмишев. — Оллоҳга шукурлар бўлсинки, мамлакатимиз мустақил бўлиб, кўксимизга шамол тегди. Ҳозир Республиканинг, вилоятнинг қайси шаҳар туманига борманг, катта ўзгаришларга гувоҳ бўласиз. Айниқса, биз кексалар қўли доимо дуога очилган. Оллоҳнинг марҳамати, Республика ҳукуматининг ғамхўрлиги туфайли ўтган йили ҳаж сафарида бўлиб қайтдим. Тенгдошларим ичида бундай шарафга муяссар бўлганлар кўпчилик. Ўша Арабистонда кўрган озодалик, оройишталик бизга ҳам етиб келди. Шаҳримизда эски, нураб қолган иморатлар ўрнига ҳашаматли бинолар барпо этилмоқда. Янги бозорлар қад ростламоқда. Бунинг ҳаммаси инсон учун, инсон манфаатларини ўйлаб қилинмоқда.

Дарвоқе, буюк бобокалонимиз ҳазрат Амир Темур «Салтанат қудратига шубҳа қилсанг қурган иморатларимизни кўр» деган экан. Бугун биз ҳам баралла истиқлолимиз самарасини кўрмоқчи бўлганларга шаҳару қишлоқларимиз куркини томоша қилишни тавсия этган бўлардик.

Нурилла ШАМСИЕВ, «Ишонч» мухбири.

храмиш

ТЕСТлар — БИЛИМ ТАРОЗУСИ

- *Тестда кўп вариантлилик.*
- *Иқтидорли боланинг имтиёзи унинг иқтидоридир.*
- *Абитуриент ТЕСТ синовиннг қандай ўтганини баҳолайди.*
- *Товламачилар ҳам абитуриент билимига ишонади.*

Ҳозирги вақтда Республикамиз олий ўқув юртларига 1997—98-ўқув йили учун талабалар танлаш иши қизғин давом этяпти. Шу муносабат билан қабул ишини адолатли ўтказиш борасидаги амалга оширилаётган ишлар ҳақида журналист Байт Турдиев Республика Давлат ТЕСТ Маркази директори Муҳсин МУҲИТДИНОВ билан суҳбатлашди.

— Муҳсин Мўминович ҳозир олий ўқув юртларига ТЕСТ асосида қабул ишларига қизғин тайёргарлик кетаётган бир пайтда сиз билан шу тайёргарлик ишлари хусусида суҳбатлашсак. Айтинг-чи, олий ўқув юртларига талабалар қабул қилишда бу йил қандай янгиликлар жорий этилмоқда?

— Давлат ТЕСТ марказида бу йил ҳам олий ўқув юртларига чуқур билимга эга бўлган, танлаган ва қизиққан соҳасига мукаммал билим ва кўникма ҳосил қилган ёшларни адолатли йўл билан қабул қилиш, уларни ижтимоий ҳимоялаш йўлларининг мукаммал тизимини ишлаб чиқиш давом этмоқда. Бунинг учун қатор ташкилий ишларни, бир мунча янгиликларни амалга оширишни давр талаб этмоқда. Энг катта янгилик шуки, ТЕСТ билан қабул қилишда кўп вариантлилик тизимини яратдик ва бир қанча муаллифлик гувоҳномаларини олишга сазовор бўлдик. Фанлар бўйича ТЕСТ саволларининг банк жамғармаси икки баробар орттирилиши натижасида ТЕСТ вариантлари сони кўпайди.

Биз абитуриентлар манфаатини кўзлаб ТЕСТга тайёрлаш бўйича методик қўлланма чоп этдик. Жавоблар варақасининг такомиллашган нусхаси яратилди. Мактабларни битирувчи синфларда шу йил апрель-май ойларида дастлабки ТЕСТлар ўтказилди ва натижалари билан ўқувчилар таништирилди. Бўлажак абитуриентлар ўз имконияти ҳақида зарур тасаввурга эга бўлишди.

1997—98 ўқув йили учун пуллик контракт асосида кирувчилар сони кўпайтирилиб, уни давлат гранти сонигача етказиш мумкин, деб белгиланди. Яна бир янгилик шуки, ТЕСТ синови якунлари бўйича энг кўп (максимал) баллнинг камида 33 фоизини тўплаган I ва II гуруҳ ногиронлари, шунингдек, етим болалар ва «меҳрибонлик уйлари», болалар интернат-уйларида тарбияланганларни ўқишга қабул қилиш масаласи давлат комиссияси томонидан кўриб чиқилади. Бу билан ёшларни ижтимоий ҳимоялашга жиддий эътибор берилди.

— Бу йил олий ва ўрта махсус ўқув юртларига қанча абитуриент қабул қилинади?

— 1997—98 ўқув йилида давлат гранти бўйича 21 мингта ва яна 21 мингта пуллик — контракт асосида талаба қабул қилинади. Ўрта махсус ўқув юртларига эса давлат гранти асосида 75 мингта, шундан кундузги бўлимга 59,5 минг киши қабул қилиш режалаштирилган. Бундан ташқари, давлат комиссиясига умумий грантдан 10 фоиз ошиқ миқдорида пуллик-контракт асосида юридик ва жисмоний шахсларни қабул қилишга рухсат берилган.

— Янги олий ўқув юртлари ҳам очилдими?

— Бу йил Ўзбекистон Бадиий Академиясида Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти, Тошкент Давлат миллий рақс ва хореография олий мактаблари очилди. Уларга ҳам ТЕСТ асосида талабалар қабул қилинади. Мазкур ўқув юртлари Маданият Вазирлиги тасарруфида ташкил этилди.

— Иқтидорли болалар учун ва республика олимпиадаси ғолиблари учун қандай имтиёзлар бор? Уларнинг имконият доираси қандай?

— Иқтидорли боланинг ўзи табиат ато этган имтиёзга эга. Унинг имтиёзи иқтидори. Чунки билимли абитуриент ТЕСТдан муваффақиятли ўтиши ҳаммага маълум. Халқаро ва Республика олимпиадалари, танловлар ва мусобақаларнинг ғолиблари Ўзбекистон Республикаси Президентининг **«Ўзбекистон ўқувчиларини рағбатлантириш чоралари тўғрисида»ги** 1993 йил 5 февралдаги фармонига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 1993 йил 25 мартдаги 157 — Қарорига кўра тегишли вазирликларнинг ғолиблик ҳақидаги имтиёзли гувоҳномаларини (I, II, III ўринни) олган бўлса, ўқув юртларига ТЕСТ синовларисиз ва ижодий имтиҳонсиз танловдан ташқари қабул қилинади. Абитуриент фақат битта институтда бир ихтисослик бўйича танловда иштирок эта олади.

— Муҳсин Мўминович, худди шу ўринда мен ҳамон ГРАНТ атамасининг маъноси ҳақида ўйлаяпман, шу ҳақда ҳам тушунча берсангиз.

— ГРАНТ — бу иқтидорли болалар учун берилган имтиёздир. Грант бу давлат бюджетидан ўқувчиларни маблағ билан таъминлаб ўқитиш демакдир. Грант талабанинг ўқиши билан боғлиқ бўлган барча харажатларни Давлат томонидан маблағ билан таъминланишига кафолат беради. Кўплаб хорижий давлатларда эса билим олиш пулликдир. Президентимизнинг яқинда қабул қилинган шу ҳақдаги фармони катта аҳамиятга эга бўлиб, ёшларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадини кўзда тутади.

— Яна бир бор ТЕСТ моҳияти масаласига эътиборни қаратсак. Институтга ўқишга киришни хоҳловчилар кўп, уларнинг ҳаммаси учун тенг, бир хил шароит яратиб бериш масаласи қандай ҳал этилган?

— ТЕСТнинг асосий моҳияти олий ёки ўрта махсус ўқув юртларига киришда абитуриентларга бир хил адолатли шароит яратишдан иборатдир. Бунда ҳар бир абитуриентга алоҳида тенг кучга эга бўлган вариантлар берилади. Биз фанлар бўйича банк жамғармасини мактабларнинг битирувчи синфларида аппрабатация (синов)дан ўтказиб, синаб кўрдик ва вариантларининг тенг кучлилигига ишонч ҳосил қилдик. Ҳар бир ТЕСТ саволи ўз паспортига эга бўлиб, компьютер уларни тенг кучли қилиб, вариантлар тузиб беради. Шу вариантлар бўйича саволлар китоби чоп этилади. Абитуриент гуруҳларини компьютерда маълум алгоритм асосида тузилади ва аудитория кузатувчилари ва раҳбарларини аудиторияларга компьютерларда қура ташлаш йўли билан киритилади. Ўқув юрти талабалари аттестатларининг номерини компьютер хотирасига киритиб, уларнинг ТЕСТ имтиҳонларига қайта киришга йўл қўймаслик чоралари кўрилди.

— Демак, адолат мезони, ҳақиқий билим билан ўқишга кириш кафолатлари таъминланган. Бу борада абитуриентларда ҳам, ўқитувчиларда ҳам, ота-оналарда ҳам аниқ тасаввур ҳосил қилиш учун ТЕСТ маркази тушунтириш ишларини ҳам олиб бораётир, дейиш мумкин, тўғрими?

— Тўғри, биз абитуриентлар, ўқитувчилар ва ота-оналарга тарғибот ишларини ўтказаяпмиз. Уларда билимига, ақлий кучига ишонч туйғусини шакллантириш ниятидамиз. Бизнингча, уларнинг кўпчилигида шундай ишонч пайдо қила олдик. Билимнинг кучига ишонч тобора ортиб бораверади.

— Содир бўлиши мумкин бўлган нопокликлар олди олинган, деса бўладими?

— Давлат ТЕСТ Марказининг деярли барча фаолияти (ТЕСТларни тайёрлаш, ўқув масканларига ўз вақтида етказиш, аудитория назоратчиси ва раҳбарини тайёрлаш, улар билан алоҳида ишлаш, ТЕСТ ўтказиш жараёнини кузатиш каби) имтиҳонлардаги нопокликка йўл қўймасликка қаратилгандир. Абитуриентлар ҳам ТЕСТни ҳалол ўтказишдан манфаатдор. Жавоблар варақасида адолат мезонини белгилаш бўйича махсус жой киритилганлиги бунинг далилидир. Абитуриент аудиторияда ТЕСТ қонун бўйича ўтганлигини ёки айрим қоида бузилишлар бўлган-лигини махсус доирачаларда белгилаш билан ўз шахсий фикрини ифодалайди.

«Ўқишга киритиб қўяман» — деб ўз «хизмати»ни таклиф этаётган айрим товламачи-фирибгарлар, соддароқ ёшларни алдаб юрадиган шахслар ҳозир ҳам йўқ эмас. Биз шуни алоҳида таъкидлашни истар эдикки, уларга асло ишонмаслик зарур. Улар абитуриентларнинг ўз билими билан ТЕСТдан ўтиб кетишидан умидвор бўлиб, шундай ваъдалар бериши мумкин. Кейин «Мен ишингни аллақачон тўғрилаб қўйган эдим» — деб уларни лақиллатиб, шилиш пайида бўлишади. Ёшларимиз, ота-оналар ва барча шахслар шуни яхши англаб етиши керакки, ТЕСТларни ўтказиш жараёнида ҳар қандай нопоклик йўлларига зарур тўсиқлар қўйилган. Ҳозир ТЕСТлар ҳақиқий билим тарозуси эканлигини кўпчилик тушуниб етмоқда.

— Абитуриентларнинг ТЕСТларда муваффақиятли қатнашишлари учун қандай ёрдам ташкил этилган?

— Давлат ТЕСТ Маркази ва ўқув юртлари томонидан абитуриентларга амалий ёрдам кўрсатишга ҳаракат қилинди. Аввало мукаммал ТЕСТларни яратишга бутун кучимизни сарфлаяпмиз. ТЕСТларга тайёрлаш учун методик қўлланмалар яратилди. Бундан ташқари, радио ва телевидениеда фанлар бўйича ва ТЕСТларни ўтказиш жараёнини тушунтириш бўйича консультациялар ўтказилмоқда. ТЕСТ ўтказиш жараёни бўйича консультатив видеофильм яратилди ва ўқув юртларига тарқатилди. Шунингдек, абитуриентларга эслатмалар, ТЕСТга жавоблар варақасини тўлдириш бўйича плакатлар тайёрланиб, жойларга юборилди. Бизнинг асосий мақсадимиз халқ ишончини қозонишдир.

— Мазмунли суҳбатингиз учун катта раҳмат.

ДЕБИТОРЛИК ҚАЧОНГАЧА?

Сирдарё вилояти Янгиер шаҳридаги 24-Давлат акционерлик автобус-такси саройи (директори Саиджон Мирмаҳмудов) жамоаси инсон манфаатлари учун астойдил курашмоқдалар. Бу ерда-шаҳар ичида 6 маршрут бўйича 18 та автобус, шаҳарлараро 8 та маршрут бўйича 19 та автобус қатнови йўлга қўйилган.

Мазкур сарой ходимлари 1997 йилнинг ўтган беш ойи бўйича 19 млн. 587 сўмлик даромад режасини тўла бажармоқда. Бироқ қарздор ташкилотлар ўз қарзларини узишни пайсалга солмоқдалар. Масалан, Янгиер шаҳар ҳокимиятининг ўзи 1996 йилдан то ҳозирга қадар 321500 сўм, Меҳнатобод тумани ҳокимияти 172600 сўм, шу тумандаги Ҳамза номли давлат хўжалиги 1 млн. 550 минг 500 сўм, Ш. Рашидов туманидаги Ш. Рашидов ширкатлар уюшмаси 110 минг сўм, Ғофур Ғулом ширкатлар уюшмаси 232 минг сўм қарздор бўлиб қолганлар. Бундай қарздорлар рўйхатини яна давом эттириш мумкин. 24-Давлат акционерлик автобус-такси саройдан турли ташкилотлар шу вақтга қадар 13917 сўм қарздордирлар. Натижада ҳайдовчи ходимлар ўз маошларини вақтида олишда турли қийинчиликларга дуч келмоқдалар.

Бу ҳақда қарздор ташкилотлар ўз масъулиятларини етарли ҳис этмаяптилар. Ахир, дебиторлик қачонгача?

Б. ТУРДИЕВ,
«Ишонч» мухбири.

1997 йил — инсон манфаатлари йили

САЛОМАТЛИККА МУСТАҲКАМ ЗАМИН

«Ўзбекистон темир йўллари» компанияси томонидан ишлаб чиқилган техника-иқтисодий ҳужжатларда соғломлаштириш муассасаларини темир йўлчилар манфаати йўлида хизмат қилдириш билан боғлиқ қатор муҳим бандлар бор. Зеро, бу ижтимоий масала темир йўлчилар касаба уюшма қўмиталарининг ҳам доимий диққат марказида турибди.

Компания корхоналарида меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш, меҳнат ва турмуш шароитини яхшилаш, саломатликларини мустаҳкамлаш, темир йўлларда экологик соғломлаштириш ишларини кенг йўлга қўйиш каби вазифалар амалга оширилмоқда. Бу борада қурилаётган тадбирлар темирйўлчиларга тиббий хизматни давр талаблари даражасида бўлишини таъминлашга ҳам катта ёрдам бермоқда.

— Соғлиқни сақлаш хизматига қарашли бизнинг шифохоналар ва даволаш муассасаларимизга кўпчилик ҳавас билан қарашмоқда, — дейди компания бошлиғи Ш. Эшонхўжаев.

Ҳақиқатан ҳам шундай. Кейинги йилларда темир йўлда янги-янги соғлиқни сақлаш, соғломлаштириш муассасалари ишга туширилмоқда. Компаниянинг ҳар бир бўлимида бирлашган касалхоналар, санитария-эпидемиология станцияси, врачлик ва фельдшерлик амбулаториялари ишлаб турибди. Бу борадаги ишлар Бухоро, Андижон, Самарқанд, Хўжайли темир йўл бекатларида, айниқса, яхши йўлга қўйилган. Урганч, Андижон темир йўл бекатларида санитария-тозалик ишлари шу кун талаблари даражасида ташкил этилмоқда. Тошкент узели ўзининг Марказий клиник касалхонаси, марказий поликлиника, марказий стомотологик поликлиникасига эга. Бу ерда фаолият кўрсатаётган йўл силга қарши кураш диспансери, қон қуйиш станцияси ҳам темирйўлчилар саломатлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Айрим бекатларда эса шароитдан келиб чиқиб тиббиёт соғлиқни сақлаш пунктлари ташкил этилган.

Тошкент вилоятидаги Назарбек касалхонасининг намунали иш тажрибаси ҳам жойларда оммалаштирилмоқда. Бу ерда энг замонавий тиббий-техник аппаратлар ёрдамида муолажалар йўлга қўйилган.

Марказий клиник касалхонада эса лазер терапияси, эндоскопия, ультра фиолетли ташхис аппарати каби ишончли тиббий ускуналар шифокорларнинг яқин ёрдамчиси бўлмоқда.

Қарши темир йўл бекатидаги шифохона хизматидан ҳам беморлар мамнун. Шифохонанинг болалар бўлими эса турли хил касалликларни даволаш ва тиббий муолажалар учун қўлланиладиган асбоб-ускуналарнинг мажмуаси билан жиҳозланган.

У КВЗ русумли аппаратта ҳам эга бўлди. Бу қурилма ғудаклар учун узига хос ҳимоя қобиғи вазифасини ўтайди. Оғир ётган беморлар эса кўчма турдаги мониторлардан фойдаланмоқдалар. «Аист» деб аталган мослама ҳароратни тепадан ва пастдан бир маромда бериб туради. Беморларнинг ҳароратларини ўлчашда «СН-01» русумли ускуна қўл келди. Бу ускуна ёрдамида беморларга сунъий нафас олдириш мумкин булади.

Шифохонада фитобар очиш тараддуди кўрилмоқда. Булимда кичик физиотерапия хонаси бунёд этилди. У электрофарез, ультратовуш, ингаляция сингари замонавий аппаратлар билан таъминланди.

Бугунги бозор шароитида иқтисодий тангликка қарамай компаниямиз ва тармоқ касаба қўмитаси темир йўл тизимига қарашли хизматни янада ривожлантириш учун бор имкониятларни ишга солмоқдалар. Хужайли темир йўл бекатида фойдаланишга топширилган янги касалхонада бир йўла 120 бемор ўз саломатлигини мустаҳкамламоқда.

Шу кунларда Назарбек шифохонасининг иккинчи навбати қурилиши ҳам давом этмоқда. Бу иншоот қуриб битказилгач, шифохонадаги ўринлар сони янада ортиб, муолажалар самарадорлигига эришилади.

Назарбек қўрғонида темир йўлчилар тиббиёт билим юрти биносининг қурилиш ишлари жадаллаштирилди. Бухоро — 1 темир йўл бекатида эса замонавий касалхона қурилиши тугалланиш арафасида турибди.

Шифокорлар саъй-ҳаракати билан темир йўлчилар орасида юз бераётган касалланиш даражаси икки ярим баробарга камайди. Даволашнинг қатор илғор усуллари амалиётга тадбиқ қилинмоқда.

Тармоқ касаба уюшмаси қўмитаси ўзининг навбатдаги конференциясини темир йўл тиббиёти масаласига бағишлаб ўтказишни режалаштириб қўйди.

Саодат ОДИЛОВА.

Ёз — ўтмоқда соз

ОРОМГОҲЛАР ҚЎЙНИДА

Жиззах вилоятида бу йил 6,5 минг ўқувчи оромгоҳларда дам олади. Ҳозир вилоятнинг хушманзара масканларида меҳнаткашларнинг икки минг ўғил-қизлари ҳордиқ чиқаришаяпти.

Вилоятда ота-онасиз, ожиз болаларни дам олдиришга алоҳида эътибор берилади.

Вилоятда завқли ва шодон дам оладиган жойлардан бири — Фориш туманидаги «Матлуботчи» болалар оромгоҳидир. Бу ерда биринчи босқичда 192 ўқувчи дам олишди. Ҳозир 200 нафарга яқин бола ором олмоқда. Савдо ходимларининг болалари бу ерда мутлоқ бепул дам олдирилянти.

— Оромгоҳда болаларнинг яхши дам олишлари учун барча шароитлар яратилган, — дейди Жиззах вилоят савдо ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси Турғун Кучкинов. — Спорт жиҳозлари, мусиқа асбоблари етарли даражада олиб берилган. Дори-дармонга 50 минг сум, саёҳат харажатларига эса 29 минг сўм ажратилган. Биноларни, йўлларни таъмирлашга 700 минг сўм маблағ сарфланди.

Июнь ойи бошларида «Ўзбексавдо» давлат ҳиссадорлик жамияти, «Ўзбекбирлашув» ва Республика тармоқ касаба уюшма марказий қўмитаси ўтган йили болаларнинг дам олишини яхши ташкил эттани учун Жиззах вилоят «Матлуботчи» санатория типидаги болалар сиҳаттоҳи жамоасини фахрий ёрлиқ ва 40 минг сум пул билан мукофотлади.

Бу мукофот «Матлуботчи» оромгоҳида ишни янада яхшилашга, ёшларни бу ерда қувноқ ва шодон дам олишларини таъминлашга ёрдам бермоқда.

1997 йилги ёз мавсумида вилоят қўғирчоқ театри санъаткорлари оромгоҳларда дам олувчи ёшлар ҳузурига боришни режалаштирган. Улар «Қўғирчоқлар жонланганда», «Сенини, шошмай тур» деб номланган концерт-спектакларни, драматург В. Пауласкаснинг «Маккор тулкича» асарини намойиш этишмоқда.

Анъанага мувофиқ ҳордиқ чиқараётган ўғил-қизлар иштирокида спартакиаданинг биринчи босқичи ўтказилди. Бу тадбирларда «Меҳнат ўринбосарлари» кўнгилли спорт жамиятлари, уюшмалари вилоят кенгашининг мутахассислари бевосита қатнашмоқда.

Оромгоҳларда вилоят бўйича 300 нафар тарбиячи ташкилотчилар болалар ўртасида турли тадбирлар, завқли ўйинлар, ташкил этишмоқда. Тўгаракларда эса ҳар хил мусобақалар уюштирилган.

Оромгоҳларда дам олаётган ўғил-қизларга малакали тиббий хизмат кўрсатилмоқда, барча турдаги озиқ-овқат етказиб берилмоқда.

Алибой ЭРГАШЕВ,
«Ишонч» мухбири.

МАХСУС ДАФТАР

Дўстлик тумани хўжаликларида саксонга яқин ширкатлар мавжуд. Яқиндан бошлаб ана шу ширкатларнинг ҳар бирида саҳифалари рақамлаб чиқилган махсус «Таклиф ва тавсиялар, эътироллар дафтари» юритила бошланди. Бу дафтарга ширкатда булган туман, вилоят, республика ташкилотлари вакиллари, мутахассислар, олимлар, турли тоифа ва касбдаги кишилар кўрганлари тўғрисида, ширкатдаги ҳақиқий аҳвол, камчиликларни тугатиш, ишни яхшилаш юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари, тавсия ва эътироллаирни ёзиб қолдиришади.

Вақти-вақти билан туман ишчи гуруҳи томонидан ушбу тавсиялар, эътирозлар, масла ҳатлар ўрганиб чиқилади ҳамда уларни бажариш юзасидан аник тадбирлар белгилаб олинади. Дустликликларнинг бу ажойиб ташаббусидан республикамизнг бошқа туманлари ҳам ўрнак олишса, арзийди.

Аҳрор САМАРИДДИНОВ,
«Ишонч» мухбири.

Бустонлиқ туманининг маркази Ғазалкент шаҳрида «Конвин — Узбекистон» Узбекистон — Германия қўшма корхонаси баракали фаолият кўрсатаётир.

Суратда қўшма корхона смена устаси Алла Скуба ҳамда оператор Барно Рихсиева,

Даврон Аҳмад олган суратлар

ТОКАЙГАЧА КУТАМИЗ...

Азиз ўқувчи, таҳририятимизга келган мактуб бизни йўлга чорлади.

«Рўзномангизни мунтазам ўқиб борамиз», — деб бошлайди, ўз мактубини Дилфуза Меликулова. —«Ишонч» газетаси жуда кўп мухлислари муаммоларини ҳал қилишда ёрдам бериб келаётир. Мен каби нафақа ололмай сарсон бўлиб юрган туманимиз аёлларининг муаммосини ўзимизга қарашли бўлган ташкилотлар ҳал қилиб бермаётгани сабабли рўзномага хат юборишга мажбур бўлдик. Икки фарзанднинг онасиман. Биринчи фарзандим 1994 йил июнь ойида туғилган. Туғилгандан сўнг келаси йили суюнчи пулларини олдим, яъни шу жумладан, туғилганигача бўлган таътил пули — болалар нафақасини ҳам. Бироқ 1996 йил июндан шу кунгача бирон сўм олганим йўқ. Иккинчи фарзандимиз 1997 йил январида туғилган, унинг ҳам пулини (туғилишигача бўлган таътил пули, суюнчи, икки ёшгача бўлган болалар нафақаси кабилар) олганим йўқ.

Мурожаат қилиб борсак, кутинглар, энди ўтказамиз, дейишади. Биз кимга борайлик? Нима қилишга ҳам ҳайронмиз. Бор умидимиз «Ишонч»дан!»

Таҳририятимизга келган шу мазмундаги хатлар юзасидан Сурхондарё вилояти Денов шаҳридаги ижтимоий таъминот бўлимида бўлдик. Бўлим бошлиғи Ҳалима Алимова фаолият кўрсатаётган экан. Суҳбатимиз аввалидаги Президентимизнинг фармонлари ва ҳукуматимиз қарорлари қандай бажарилаётгани ҳақида сўзлар экан, гап болалар нафақасига келганда тилини тишлаб қолди. Туманда 1996 йил май, баъзилари октябрь ойидан бошлаб, баъзилари 1995 йилдан бери болалари учун нафақа пулларини олмаган экан. Опа аввалига бу қийин саволларимизни четлаб ўтишга ҳаракат қилди. Кейин эса бу муаммо вилоятимизнинг Сариосиё, Денов туманларида ҳам мавжуд, биз улардан анча илгаридамиз, дея мақтанишни ҳам ўзига эп билди. Биз, бу муаммоларни ечиш учун қандай ишларни амалга ошираяпсиз, деганимизда бор айбни шаҳар ҳокимлиги, Денов шаҳар молия бўлимига агдарди- қўйди. Бизга кўрсаттан ҳужжатларда Денов шаҳар молия бўлимига, ҳокимлигига хат билан мурожаат қилинган экан. Денов шаҳар ҳокимлигида бўлганимизда эса молия бўлими икки ёшгача ҳамда 16 ёшгача бўлган болалар нафақаси юзасидан 1996 йил учун 24 миллион 91 минг 433 сум қарз эканини, бу муаммо гуёки бутун республикага маълумлигини таъкидладилар. Туман ҳокими ўринбосарлари Муҳиддин Қаҳҳоров ҳамда Фарҳод Узоқовнинг бу борадаги фикри бир хил чиқди. Буниси ҳам майли, биз шаҳар ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи Ҳалима опанинг хонасида бўлганимизда Қори Ниёзий кўчаси 100-уйда яшовчи 55 ёшдаги қаҳрамон она Зеби Саидова кириб келиб, арз қилиб қолди. Онанинг айтишича, керакли ҳужжатларни топширган бўлса-да, қарийб бир йил бўлибдики, нафақадан дарак йўқ экан. Сабабини опадан суриштирганимизда, онахонга ўқрайиб, даг-дага қилиб кетди.

Шу йўсинда иш олиб борилгач, қандай қилиб туманда ижтимоий таъминот яхши йўлга қўйилади? Бу муаммоларни ким ечади, бу онахон яна кимга борсин?

Биз фикримизга якун ясар эканмиз, Денов шаҳри, қолаверса, бошқа туманлардаги ижтимоий таъминот бўлимлари тўғри хулоса чиқариб оладилар, деб умид қиламиз.

Улуғбек АҲРОРОВ,
«Ишонч» мухбири.

АЙТСАМ МЕН СИЗГА АГАР...

(Савдогар деган улуғ номга иснод келтираётган олиб-сотар «савдогар»ларга бағишлайман)

Эртами кеч, азондан,
Қачон утмай
бозордан.
Тушаб эски қурпача,
Ёнида аравача.
Тарозиси «қопқони»,
Кавшанглаб қотган
нонни,
Кутиб танти
деҳқонни,
Утирар олиб-сотар.
Ул маккорнинг
тарифин,
Айтсам мен сизга агар.
Полиз, пайкал
қурмаган,
Яйлов кезиб юрмаган,
Деҳқон, чорвадор деган,
Улуғ номни суймаган,
У мақтаб сотаётган,
«Қанду-асал» мазасин.
Узи татиб кўрмаган,
Очкўз, зиқна бетайин.
Олиб-сотар «савдогар»,
Улар кунда бозорда.
«Ишбилармон», «вафодор»,
Деҳқон-чорвадор деган.
Улуғ номга даъвогар,
Деҳқон келса бозорга.
Ургимчакдай урайди,
Олмоқчи нарсасини,
Пастга уриб сурайди.
Ҳийла-найранг сузидан,
Деҳқон боши бўлиб ганг,
Арзонгина мол бериб,
Қутилар ундан аранг.
Тулкидайин хийлагар,
Олиб-сотар «савдогар».
Деҳқон шўрин қуритган,
Ор-номусин унутган,
Сохта «деҳқон»га қаранг,
Сув текин ўлжасини,
Кўтариб борар аранг.
Танимас отасини,
Кўзи кўр, қулоқ гаранг.
Товламачи «савдогар»,
Топган жуда қулай жой,
Усти чанг-у, юзи лой,
Тап тортмайин уялмай,
Тути қушдайин жўшиб,
Ароқ, мойга сув қўшиб,
Баъзан қўрқиб яшириб,
Нархин юз бор ошириб,
Пул қилмоқда «савдогар».
Қамбағал, ночор эмас,
Тонгтача пул санайди,
Ун минг пулни пул демас,
У «кукидан» сурайди.
Уз пулин, дусти-ерин,
Қадрин билмас «савдогар»
Орзу қилиб долларни,
Унитишиб болаларин,
Эрта-тонгдан мудрашиб,
Аравасин судрашиб,
Бозор сари йўргалар,
У «бечора» «савдогар»,
Кулмас эди жўралар,
Ночор бўлса ул агар,
У бойвачча-бозорда,
Узин «худо» сезади.
Ёлғиз ташлаб боласи,
Ёри, қари онасин,
Панфилов - «Отчопар»да
Оч тулкидай кезади,
Беномус олиб-сотар.
«Отчопар» - фабрикаси,
Тафтишчилар акаси,
Ука, тоға, поччаси,
Тили бирки барчаси...
Бир-бирига мададкор.
Шул сабаб-ми, ул маккор,
Тансиқ молни
яшириб,
Кунда нархин ошириб,
Деҳқону харидорнинг,
Пулин олади шилиб.
Малик дейди
сизларга,
Ишониб «мададкор»га,
Порахўр ул маккорга,
Номус-орингиз
ютманг,
Халқ ярайди ҳол-корга
Асло буни унутманг.

Абдумалик АЛИМОВ,
журналист, халқ маорифи аълочиси.

ШАНБА ГУРУНГИ

Бекобод тумани «Далварзин» жамоа хўжалигининг Мардулло Ҳасанов етакчилигидаги бригадаси заршунослари бу йил етмиш гектар майдонда пахта етиштирмоқдалар. Беш гектар ерга пленка остига экилган ғўзалар тез ривожланмоқда.

Суратда: бригада етакчиси М. Ҳасанов, сувчи Н. Қорабоев жамоа хўжалиги раиси М. Султонқулов билан пахта пайкалларини кўздан кечирмоқдалар.

Даврон Аҳмад олган суратлар

ЖАЙРОН - ГЎЗАЛЛИК РАМЗИ

Жайрон- чўл оҳуси. Шарқ халқлари жониворни ғузаллик рамзи деб биладилар. Хусусан, унинг кўзи чиройли ва жозибалидир. Латофатли ва хушқомат жайрон ХХ аср бошларигача чўлларда кенг тарқалган бўлиб, чўлнинг асосий курки ва файзи ҳисобланган.

Узоқда жайронлар подаси пайдо бўлиши билан чўл жонланиб кетади. Жайрон бўйнини чўзиб, қулоғини динг қилиб, осойишталикни бузганларни кўздан кечиради, ҳуркса енгил-енгил сакраб, чўлнинг қизиган ҳавосида ғўё эриб кетгандек, кўздан ғойиб бўлади.

Жайронлар Марказий Осиёда (Қозоғистон, Узбекистон, Туркманистон, Тожикистон, Қирғизистон давлатларида), Эрон, Афғоннистон, Шарқий Туркистон (Қашқар)да, Арабистон ярим ороли, Жанубий Кавказ ва Покистонда кенг тарқалган. Улар ҳақиқий чўл ҳайвони бўлиб, водийлар бўйлаб тоғ ораларига ҳам кириб боради.

Ҳозирги пайтда жайронлар мамлакатимизнинг айрим чеккаларидагина сақланиб қолган бўлиб, қумли чўлларда ҳам учрайди. Жайронлар Қизилқумнинг шувоқлар усадиган жойларида, аҳён-аҳёнда қумли жойларда, қуйи Зарафшонда эса саксовуллар усадиган, мустаҳкамланган қумларда яшайди. Улар Узбекистон жанубидаги шўрҳок чўлларда, шунингдек, Боботоғ этакларидаги гилли чўлларда ҳам яшайди.

Жайронлар асосан, гилли ва тошлоқ чўлларда яшашга мослашган. Уларнинг ранги малла-бўзранг бўлиб, чўлга, жазирама иссиқдан қовжираган ўтларнинг рангига мослашган, оёқлари нозик, туёқлари қаттиқ. Бу ҳам унинг гилли чўл шароитига мослашганлигидан далолат беради. Жайрон қаттиқ жинслардан ташкил топган текисликда узини яхши ҳис этади, жуда енгил ва тез, соатига 70-80 километр тезликда югуради, 5 метр баландликкача сакрай олади. Аммо лойда ва қорда юролмайди. Жайрон жуда яхши эшитади, узоқдаги шарпани овозидан дарҳол сезиб олади.

Жайрон танасининг узунлиги 110-115 сантиметр, баландлиги 70 сантиметр атрофида, вазни эса 20-30 килограмм келади. Эркак жайроннинг узунлиги 35-40 сантиметр келадиган қора, бўғим-бўғим шохи бўлади.

Баҳорда жайронлар яйловларда ҳаёт кечиради, асосан қўноқут, қиёқ, шўра, саксовул, янтоқ, сунбул, печакгул ва эрманлар билан озиқланадилар. Баҳор мавсумида улар емишлари таркибидаги сув билан қаноатланадилар.

Ёзнинг салқин пайтларида ўтлай бошлайдилар. Жазирама иссиқда тепалар ва барханлар ёнбағрида, саксовул ва буталар соясида дам оладилар, иссиқ қайттач, ярим тунгача ўтлаб юрадилар.

